Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 27-iyun, shanba, № 78 (3583)

Бахт — бу, менинг назаримда, аввало тинч-осойишта ҳаёт, оила, эл-юрт ободлиги, ўз юрти, ўз Ватанига муҳаббат, ҳар қандай оғир синовлар қаршисида ҳам ўзини, ўзлигини йўқотмасдан, асл инсоний қиёфасини сақлаб қолиш, юксак маънавий қадриятларга садоқат билан яшашдир.

Ислом КАРИМОВ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юртимиздаги барча муштарийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, сизларга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан мамнунман.

Барчамизга яхши маълум, бугунги ҳаётимизни сизларнинг мураккаб ва масъулиятли фаолиятингиздан, оммавий ахборот воситаларидан айри ҳолда асло тасаввур этиб бўлмайди.

Сизларнинг машаққатли меҳнат маҳсулингизни миллионлаб одамлар қаерда бўлмасин, доимо катта қизиқиш ва эътибор билан кутади. Дунёда кечаётган турли-туман воқеа ва жараёнлар ҳақида сизлар етказадиган тезкор ва холис ахборотнинг, ҳаётий муаммолар, кундалик ташвишлар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида журналист аҳли билдирадиган таъсирчан сўзнинг аҳамияти ва салмоғи ҳозирги замонда тобора ортиб бормоқда.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг **"Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил, ҳам жонларига мояи дармон бўлғил"** деган ҳикматли сўзлари аввало сизлар каби заҳматкаш ва фидойи инсонлар шаънига айтилган, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам, сизларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш, уларни Ватанимиз олдида турган улкан мақсадлар сари сафарбар этиш йўлида қилаётган эзгу хизматларингизни халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган ва ривож топаётган, илгари учрамаган, ечими ўта оғир ва мураккаб бўлган турли-турли муаммоларни туғдираётган XXI асрда яшаётганимизни ҳеч эсимиздан чиқармаслигимизни истардим.

Шулар қаторида, авваламбор, глобаллашув жараёнлари тобора тезлашиб, дунёнинг бир чеккасида юз берган воқеа-ҳодисалар унинг иккинчи бир четида зудлик билан акс-садо бераётган бир пайтда, бу ҳолатнинг ўзи барчамиздан замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият, ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни мукаммал эгаллашни, бир сўз билан айтганда, профессионал малакамизни ошириш учун ўз устимизда мунтазам ишлашни талаб қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарур — ҳозирги вақтда нафақат ҳаёт, балки инсоннинг ўзи, унинг ички дунёси, ҳаётга муносабати ва талаби ҳам тубдан ўзгармоқда. Ана шундай кўпқиррали шароитда бугунги журналист, бугунги матбуотчи бу ҳақиқатни чуқур англаган тақдирдагина самарали фаолият кўрсата олиши мумкинлиги ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиз аҳолисини, замондошларимизнинг ҳаёти ва дунёқарашини кечаги — 90-йиллардаги одамларнинг ҳаёти ва дунёқараши билан солиштирадиган бўлсак, ўртада ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўз-ўзидан равшанки, бугун биз яшаётган янги давр, янгича ижтимоий муносабатлар оммавий ахборот воситаларининг олдига тез суръатлар билан ўзгариб, ривожланиб бораётган жамиятимизнинг талабларига ҳар томонлама муносиб бўлиш, одамларни ўйлантираётган, безовта қилаётган муаммоларга жавоб излаш, уларни кун тартибига қўйиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўйича ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг демократик ислоҳотлар жараёнидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида амалга оширган ишларимиз ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Мен бу борада фақатгина баъзи бир мисолларга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан.

Сўнгги йилларда юртимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида 10 га яқин қонун қабул қилиниб, кўплаб қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келаётганини таъкидлашни хоҳлардим. Бунинг тасдиғини охирги 7 йилда соҳа ривожи учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртмалар ва давлат грантлари шаклида қарийб 13 миллиард сўм маблағ ажратилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 дан ортиқни ташкил этаётгани, уларнинг моддий-техник базаси тубдан яхшиланги бизнинг бу борада қандай катта тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни кўрсатади.

Мамлакатимизда анъанавий ахборот воситалари билан бир қаторда, интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. Кейинги 5 йилнинг ўзида веб-сайтларнинг сони 2 баробар ортиб, 300 дан ошиб кетгани мамлакатимиз миллий ахборот маконининг мазмуни ва манзарасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 66 та телеканал, 34 та радиоканал фаолият кўрсатаётгани электрон медиа тармоқларнинг самараси ва салмоғи ҳам тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Кейинги пайтда амалга оширган кенг кўламли ишларимиз натижасида ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг 54 фоизи рақамли телевидение имкониятларидан фойдаланмоқда. Жорий йилнинг ўзида мамлакатимиз бўйича яна 84 та юқори қувватга эга бўлган телеузатгич мосламалари ўрнатилади ва шу тариқа барча ҳудудларимизни 100 фоиз рақамли телевидение билан қамраб олишга эришамиз.

Ҳозирги вақтда биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 520 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, яқин ўтмишда бу рақам бор-йўғи 24 соатга тенг эди. Айни пайтда миллий теледастурларимиз сунъий йўлдош орқали дунёнинг юздан ортиқ давлатларига узатилиб, жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, бой маданияти, бугунги сермазмун ҳаёти билан таништиришда катта рол ўйнамоқда.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда. Юртимиздаги босма нашрларнинг 60 фоизга яқини, телерадиоканалларнинг 67 фоизи, интернет нашрларининг эса 95 фоизи давлатга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари экани бунинг амалий тасдиғидир.

Қадрли дўстлар!

Бугунги хурсандчилик кунда матбуот ва ахборот соҳасида эришган ютуқларимиз, олдимизда турган вазифалар билан бирга соҳанинг келажак истиқболлари хусусида фикр юритишимиз албатта ўринлидир.

Бу ҳақда гапирганда, "Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган даъват авваламбор ҳеч кимдан кам бўлмасдан, доимо ҳаётнинг олдинги сафларида бўлишга интилиб яшайдиган сиз, ҳурматли матбуот аҳлига дахлдор эканини барчангиз яхши тушунасиз.

Биз ўз олдимизга дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига киришдек улкан ва шарафли вазифани қўйган эканмиз, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги кескин рақобатга ҳар томонлама қодир бўлишини бундай юксак маррага эришишнинг асосий шарти ва гарови сифатида кўрамиз. Шу маънода, миллий журналистикамиз халқаро медиа маконида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнини эгаллаши бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Шу борада кейинги пайтда бир қатор ривожланган давлатлар, дунёда ном қозонган нуфузли медиакомпаниялардан малакали мутахассис ва журналистлар юртимизга таклиф қилиниб, улар иштирокида матбуот ходимлари учун ўқув семинарлари ва амалий машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир. Бу тажрибанинг кенг қўлланиши туфайли ўтган йилнинг ўзида 650 дан ортиқ матбуот ходимларимиз ўз малакаси ва маҳоратини оширишга эришганини, шу билан бирга, кўплаб ўзбек журналистлари ҳам хорижий давлатларга бориб, тажриба алмашиб келганини қайд этиш лозим. Келгусида ҳам бундай самарали ижодий алоқаларни давом эттириш оммавий ахборот воситаларимиз ривожига янги туртки бериши шубҳасиз.

Журналист кадрларнинг янги авлодини, ўз касбининг устаси бўлган етук таҳлилчи ва шарҳловчиларни тайёрлаш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, яқинда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултетининг замонавий янги биноси қуриб фойдаланишга топширилганини таъкидлаш керак. Ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини, ижодий маҳорат сирларини пухта эгаллаш учун барча зарур моддий-техник база ва инфратузилма тармоқларига эга бўлган ушбу олий ўқув маскани мамлакатимиз журналистларининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши билан айниқса аҳамиятлидир.

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳаммамизга аёнки, инсон бу ҳаётда бахт учун дунёга келади. Лекин бахт дегани фақат моддий бойликка интилиб, молу давлатга, ҳавойи орзуларга берилиб яшашни англатмайди. Бахт — бу, менинг назаримда, аввало тинч-осойишта ҳаёт, оила, эл-юрт ободлиги, ўз юрти, ўз Ватанига муҳаббат, ҳар қандай оғир синовлар қаршисида ҳам ўзини, ўзлигини йўқотмасдан, асл инсоний қиёфасини сақлаб қолиш, юксак маънавий қадриятларга садоқат билан яшашдир.

Халқимиз, миллатимиз асрлар давомида одамийлик, инсонни қадрлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби эзгу фазилатларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, неча-неча авлодларга безавол етказиб келаётгани тарихимиздан яхши маълум.

Эл-юртимизни минг йиллар оша турли тўфон ва бўронлардан омон сақлаб, барчамизга куч-қудрат бағишлаб келаётган, ҳаётимизни ҳар томонлама юксалтирадиган бундай олижаноб қадриятлар, ўйлайманки, оммавий ахборот воситаларимиз учун ҳеч қачон аҳамиятини, қадрини йўқотмайдиган бош мавзулар бўлиб қолади. **Чунки, маънавиятни асраш — аввало инсонийликни, инсоннинг ўзини асраш демакдир**. Маънавий дунёмизга қарши қаратилган таҳдид ва хуружлар тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда бу ўткир ҳақиқатни барчамиз асло унутмаслигимизни истардим.

Шулар ҳақида гапирганда, рухсатингиз билан, илгари ҳам айтган фикримни яна бир бор эслатмоқчиман. Биз моддий томондан ривожланган мамлакатлардан балки ҳозирча бироз орқададирмиз, лекин маънавий жиҳатдан манаман деган давлатлардан ўтиб кетганмиз, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Бугунги кунда бошимизни баланд кўтариб, ғурур ва ифтихор билан яшашга имкон берадиган бундай бебаҳо бойликни қўлдан чиқармасдан, ёшларимизга ҳам етказсак, уларнинг онги ва қалбига чуқур сингдирсак, азиз фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида баркамол инсонлар этиб тарбияласак, ҳеч шубҳасиз, эртанги кун, келажак бизникидир.**

Ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани адо этишда жамиятимиз, барчамиз аввало сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, гражданлик позициянгизга таянамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт манфаати, адолат ва эзгулик йўлида ҳамиша ўзини аямасдан меҳнат қиладиган сиз, азиз журналистларни мен доимо қўллаб-қувватлашга, ҳар томонлама ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, сизларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслакдошларим деб билишимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Бугунги қутлуғ айёмда сизларни касб байрамингиз билан самимий муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 июн куни Оқсаройда Малайзия, Жазоир Халқ Деморактик Республикаси, Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Дато Норайни бинти Абд Ҳамид, Носир Бушерит, Винод Кумардан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиздаги дипломатик ваколатхоналарнинг янги тайинланган раҳбарларини самимий қутлар экан, Ўзбекистон Малайзия, Жазоир ва Ҳиндистон билан ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётганини таъкидлади ва уларнинг шарафли ҳамда масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади.

Малайзия элчиси билан суҳбатда мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий соҳалардаги алоқалари, БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантиришнинг истиқболлари муҳокама этилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, Ўзбекистон — Малайзия институтлари фаолиятини ва ҳамкорлик механизмларини фаоллаштириш, қўшма иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишдан ҳар икки мамлакат ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Элчи Дато Норайни бинти Абд Ҳамид Малайзия ва Ўзбекистон ҳамкорлигини ўзаро манфаатли асосда янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини таъкидлади.

Ўзбекистон Жазоирга Шимолий Африкадаги энг муҳим ташқи сиёсий шериклардан бири, деб қарайди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўзаро манфаатли савдони ривожлантириш, инвестициявий ҳамкорликни чуқурлаштириш, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Жазоир элчиси икки мамлакат халқларини тарихий, маданий ва маънавий муштарак алоқалар боғлаб туришини таъкидлади ва давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга муносиб хизмат қилишни ўзи учун улкан шараф, деб билишини қайд этди.

Ўзбекистонда Ҳиндистонни нафақат қадимий тамаддун бешикларидан бири, балки жадал ривожланиб бораётган ва минтақавий ҳамда халқаро муносабатларда муҳим ўрин тутадиган мамлакат сифатида яхши билади.

Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар олий даражадаги доимий сиёсий мулоқотлар асосида изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон Президентининг 2011 йилнинг май ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи ва ушбу ташриф чоғида бўлиб ўтган самарали музокаралар ўзаро серқирра ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини берди.

Ҳиндистон элчиси мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун бутун куч-ғайрати ва тажрибасини ишга солишини таъкидлади.

ЎзА

---

27 ИЮН — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК — МАТБУОТИМИЗ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Ватанимизни жадал равнақ топтириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар журналистларга ҳам масъулиятли вазифалар юкламоқда.

→ 2

Узоқ йиллик фидокорона меҳнатнинг қадрланиши, айни кундаги самарали фаолият эътирофи ёки бўлажак мутахассисларнинг қўллаб-қувватланиши тизимли равишда кўрсатилаётган эътибор ифодасидир. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган уч авлод учрашуви фикримизнинг яққол исботи бўлди. Унда соҳа фахрийлари, фаоллари ва бўлажак журналистлар иштирок этишди.

ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

— Мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, амалга оширилаётган улкан янгиланиш ва бунёдкорликлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари фаолияти муҳим ўрин тутмоқда, — деди тадбирда сўз олган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Шу маънода соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлар, фахрий журналистларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдан мамнунмиз.

(Давоми 3-саҳифада).

2015-yil 27-iyun, shanba, № 78 (3583), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК — МАТБУОТИМИЗ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда бу жиҳатлар яна бир карра акс этди. Унга сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари, ноширлик соҳаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрий журналистлар, матбаачилар, олий ўқув юртларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани М.Мирсоатова, «Наманган ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири М.Парпиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда янги жамият, озод ва обод ҳаётни барпо этиш борасидаги узоқни кўзловчи, пухта ўйланган ислоҳотлар жараёнида миллий матбуот соҳасини жадал равнақ топтириш, фуқароларнинг сўз ва ахборот олиш эркинлигини тўла таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидладди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ахборот излаш, олиш ва уни тарқатишга оид ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситаларининг эркин ва қонунга мувофиқ фаолият юритиши, ахборот хавфсизлигига доир кафолатларнинг асосий тамойилларини белгиловчи меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Соҳага оид миллий қонунчилик оммавий ахборот воситалари ҳамда нашриётматбаа корхоналарининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг жамиятдаги нуфузи, ижтимоий мақомини ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий медиа соҳани босқичма-босқич ислоҳ этиш, уни изчил равнақ топтириш борасидаги истиқболларни белгилаб берди. Концепция доирасида қабул қилинган қонунлар оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишда уларнинг таъсирчанлигини тобора кучайтиришда кенг имкониятлар яратмоқда.

Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасидаги изчил ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда медиа соҳанинг жадал ривожланиши, оммавий ахборот воситалари, жумладан, нодавлат оммавий ахборот воситалари сони ўсиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситалари 1400 дан ошиб кетди. Улар орасида нодавлат медиа тузилмалар салмоқли қисмни эгаллаётгани нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли саъй-ҳаракатларнинг ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили аньанавий тарзда ўтказилаётган "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танлов, "Энг улуғ, энг азиз", "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танловлари журналистларни ижодий парвозлар сари руҳлантириш, жамиятнинг турли жабҳаларидаги долзарб масалалар ечимини топишга йўналтирилган, теран таҳлилий асосдаги материаллар тайёрлашни рағбатлантириш, соҳа ходимларини ўз фаолиятига янгича назар билан ёндашишга ундашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ушбу ижодий лойиҳалар мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳада кечаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига янада кенгроқ етказиш, юртдошларимизда фаол фуқаролик позицияси, Ватан тақдири ва келажаги учун дахлдорлик туйғусини кучайтиришда ОАВ ходимларининг иштироки ва ҳиссасини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол журналисти — 2014» республика кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида оммавий спорт тарғиботи бўйича фаоллик кўрсатган журналистларга диплом ва совғалар топширилди.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикасининг "Истиқлол ва қонун" газетаси масъул котиби Саламат Ажимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston" телеканали "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари Сергей Алибаев ва бошқалар миллий матбуот соҳасини изчил равнақ топтириш, соҳа ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги-янги ижодий марралар сари руҳлантириш борасида кўрсатаётган чексиз эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасининг "Ойдин" спектакли намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Икромов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Отабек МИРСОАТОВ
олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2014" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Абдураҳмонова Улдона — "Тил ва адабиёт таълими" журнали бўлим муҳаррири — Таълим жараёнида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва ижтимоий мавзудаги долзарб материаллари, илмий-публицистик мақолалари учун

Абдулфаизов Маҳмуд — "Сурхон тонги" газетаси бўлим мудири — Вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, аҳоли турмуш тарзидаги туб ўзгаришлар, миллий қадриятларимизни улуғловчи мавзулардаги публицистик мақолалари учун

Ажимов Саламат — "Истиқлол ва қонун" газетаси масъул котиби (Қорақалпоғистон Республикаси) — Қорақалпоғистон аҳолисининг бугунги ҳаёти, орзу-интилишларига бағишланган, истиқлол берган чексиз имкониятлар турмуш фаровонлигига хизмат қилаётгани ҳақидаги туркум мақолалари учун

Алибаев Сергей — "O'zbekiston" телеканали "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари — Мамлакатимизни модернизациялаш ва янгилаш жараёнлари ҳамда республикада юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий воқеаларни кенг ва тезкор ёритгани учун

Исмоилов Отабек — "Хива тонги" газетаси мухбири — Халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси, анъана ва қадриятларини тиклаш ҳамда тарғиб этишга қаратилган туркум мақолалари учун

Мустафоев Асад — "Жиззах овози" газетаси бўлим муҳаррири — Халқимизга хос эзгу фазилатлар, уларнинг баркамол ёшлар тарбиясидаги ўрнига, ёш авлод эришаётган ютуқларга бағишланган мақолалари учун

Файзиева Холида — "Ҳуррият" газетаси бўлим мудири — "Соғлом бола йили" ва "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурлари ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги таҳлилий материаллари учун

Холбобоев Эркин — "Ўзбекистон овози" газетаси мухбири — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасига бағишланган таҳлилий мақолалари учун

Ўринбоева Севара — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси лойиҳа раҳбари — Ўзбекистонда миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва парламент фаолиятини кенг ёритишга бағишланган "Парламент соати" туркум кўрсатувлари учун

Шоева Сайёра — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти таҳририяти бўлим мудири — Мамлакатимизда аграр соҳадаги ислоҳотлар самаралари, экология муаммоларини бартараф этиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, юртдошларимизнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларини интернет тармоғида кенг ёритган таҳлилий материаллари учун

Танловнинг рағбатлантирувчи мукофоти совриндорлари

Айҳоджаева Азиза — "Нурли жол" газетаси мухбири
Остонақулов Хайрулла — "Жамият" газетаси мухбири
Бозорова Шоҳиста — "Қашқадарё" газетаси бўлим муҳаррири
Мутин Сергей — "Ташкентская правда" газетаси бўлим мудири
Норжигитова Бахринисо — "Гулистон ҳаёти" газетаси бош муҳаррири (Сирдарё вилояти)
Нўъмонов Нурилла — "Андижоннома" газетаси мухбири
Пардаева Кумуш — "Yoshlar" телерадиоканали "Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси дастурлари" муҳарририяти муҳаррири
Пўлатов Исомиддин — "Зарафшон" газетаси мухбири (Самарқанд вилояти)
Сатторов Илҳом — Навоий вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири
Сулаймонов Маъсуд — "Маънавият" газетаси муҳаррири (Фарғона вилояти)
Турдиев Мадраҳим — "Истиқлол-ТВ" телестанцияси мухбири (Бухоро вилояти)
Файзиев Хуршид — "Халқ иродаси" газетаси бош муҳаррири (Наманган вилояти)
Шовқиев Одилбек — "Dunyo bo'ylab" телеканали катта муҳаррири
Эргашева Нодира — "Poytaxt" радиоси муҳаррири
Юсупов Рустам — "Маҳалла" газетаси мухбири

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган "Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури (МТР) — Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини ошириш" лойиҳаси (қуйида Лойиҳа деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Европа Иттифоқи корхоналарида Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналари менежерлари малакасини ошириш учун аризалар қабул қилишини эълон қилади. Малака ошириш Европа Иттифоқининг 28 мамлакатидаги корхоналарда амалга оширилиб, улар ўзаро келишув асосида иштирокчилар ёки лойиҳа томонидан танланиши мумкин.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОМПАНИЯЛАРИДА МАЛАКА ОШИРИШ ДАСТУРИГА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА

Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда кичик бизнесни самарали бошқариш ва унинг узоқ келажакдаги барқарор ривожланишини таъминлашга қодир малакали ва салоҳиятли тадбиркор ҳамда менежерлар сонини кўпайтиришдан иборат. Бу босқичда қўйилган мақсадга Европа корхоналарида Ўзбекистондаги кичик бизнес раҳбарларининг малакасини ошириш орқали эришилади.

Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури лойиҳасининг мақсади ўзбекистонлик менежерларнинг бошқарув кўникмаларини ошириш, уларни бизнесни бошқариш ва юритишнинг европача усулларига ўқитиш, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан иборат. Барча номзодлар малака ошириш сафарида иштирок этишдан кўзланган мақсадни аниқ кўрсатиши ҳамда бу унинг ва корхонасининг ривожига қандай ижобий таъсир кўрсатишини қайд этиши лозим.

Лойиҳанинг тренинг ва малака оширишларида иштирок этиш танланган иштирокчилар учун бепул амалга оширилади. Транспорт билан боғлиқ барча харажатлар (авиачипта учун 400 евро миқдоридаги шахсий тўловдан ташқари), шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида жойлаштириш, визалар, суғурта лойиҳа маблағлари эвазига қопланади.

Барча талабларга жавоб берадиган кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари — менежерларигина малака ошириш учун ариза топшириш ҳуқуқига эга.

Кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари — менежерлари учун талаблар (ва керакли ҳужжатлар) ҳамда лойиҳа янгиликлари батафсил лойиҳанинг веб-саҳифасида **www.mtpeu.uz** ва Facebook саҳифасида **https://www.facebook.com/mtpeu** кўрсатилган.

Номзодларнинг аризалари 2015 йилнинг 22 июлига қадар қабул қилинади. Аризанинг онлайн шакли лойиҳанинг веб-саҳифасида жойлаштирилган.

Махсус изоҳ: танлов жараёни гендер тенглиги масаласини ҳисобга олган ҳолда камида 20 фоиз аёл номзодларни танлаб олишни кўзда тутади.

Қўшимча маълумотлар учун:
Жаноб Григориос Контзоглу, БКТД (МТР) лойиҳасининг бошлиғи
Манзил: Амир Темур кўчаси, 4, Тошкент шаҳри, 100047
Телефон: (99871)2335901
Факс: (99871)2336406
E-mail: mtp@.mtpeu.uzmtp@
Veb-sahifa: www.mtpeu.uz

КОНФЕРЕНЦИЯ

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят ташкилотининг Конференцияси бўлиб ўтди. Унда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Олимжон Толиповнинг 2013 йил феврал ойидан 2015 йил май ойи мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ахбороти тингланди.

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қурултойига делегатлар сайланди.

Ўз мухбиримиз

***

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят ташкилотларининг конференцияси бўлиб ўтди.

Унда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси А. Мамарасуловнинг ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар бўйича ахбороти тингланди.

Жумладан, касаба уюшмаси томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларига кенг жалб этиш борасида эришилган натижалар батафсил қайд этилди.

Тизимдаги барча бошланғич ташкилотлар жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган. Амалдаги жамоа шартномалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган макетга мослаштирилгани боис, мазкур локал ҳужжатлар орқали ходимларнинг даромадлари йил сайин ошиб бормоқда.

Муҳокамадан сўнг тегишли қарорлар қабул қилинди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ

НАРКОТИК МОДДАЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг топшириғига кўра, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан наркобизнесга қарши кураш давомида мусодара қилинган гиёҳвандлик воситаларининг навбатдаги тўпламини йўқ қилиш тадбирини ўтказди.

Идораларо комиссия томонидан **1 тонна 400 килограмм** гиёҳвандлик воситалари, шу жумладан, **133,3 кг.** героин, **775 кг.** опий, **309 кг.** марихуана, **93,2 кг.** гашиш, **84 кг.** кўкнори, кўплаб наша ўсимликлари, таблетка ва эритма шаклидаги гиёҳвандлик воситалари ёқиб юборилди.

Таъкидлаш керакки, 1994 йилдан буён Ўзбекистон томонидан **54 тонна** гиёҳвандлик воситаси шу усул билан йўқ қилинган.

Ўзбекистон гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш борасида ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларини бажаришга катта эътибор қаратади. Республика БМТнинг "Наркотик моддалар тўғрисида", "Психотроп моддалар тўғрисида", "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияларига 1995 йил февралда қўшилган. 1999 йилда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Илк бор 1994 йил майда 14 тонна гиёҳвандлик воситаси ёқилган эди. Республикада амал қилаётган тартибга мувофиқ, судда ашёвий далил сифатида ўтган гиёҳвандлик воситалари ҳукм қонуний кучга киргач, махсус печларда Наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссияси аъзолари иштирокида йўқ қилинади. Йирик миқдордаги гиёҳвандлик воситалари БМТ, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида ёқилади.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
"Ishonch" мухбири

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан, амалиёт жараёнида ва энди иш бошлаган битирувчиларга моддий ёрдам ажратилаётгани айни муддао бўлмоқда. Шу билан бирга, битирувчиларнинг ишга жойлашиши, улар учун яратилган шарт-шароит мониторинг қилиб борилмоқда.

БИТИРУВЧИЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан "Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун меҳнат соҳасидаги имкониятлар" мавзусида ташкил қилинган ўқув-семинар бу борадаги чора-тадбирларнинг узвий давоми бўлди.

Семинарда ҳамкор ва мутасадди ташкилотлар вакиллари, Урганч шаҳрида жойлашган касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва битирувчилари иштирок этишди.

— Мақсадимиз вилоятда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шарт-шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир, — дейди бирлашма кенгаши бўлим мудири Нигора Полвонова.

Мутахассисларнинг бўш иш ўринлари, меҳнат соҳасидаги ҳалқаро стандарт ва миллий қонунчилик, жамоа шартномаси ва унда белгилаб қўйиладиган ёшларнинг меҳнат ҳуқуқи, тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар ҳамда бизнес ғоя ва бозорни ўрганиш таҳлилига оид маърузалар кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Бу каби ўқув-семинарлар барча туманларда бўлиб ўтмоқда.

М. ТЎРАБОЕВА

2015-yil 27-iyun, shanba, № 78 (3583), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қайд этиш жоиз, Президентимиз раҳнамолигида соҳани ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Истиқлол йилларида оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар бажарилди. Бу эса жамиятда ОАВнинг ролини кучайтириш, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимизда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилаяпти.

Тадбирда кейинги йилларда соҳага илғор ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиб, қатор имтиёз ва қулайликлар яратилгани, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилгани алоҳида қайд этилди. Мазкур йўналишдаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаати ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан журналистика соҳасида "Инсонга наф келтириш — олий бахт" республика танловини ўтказиш анъанага айланди. Шунингдек, "Олтин қалам" Миллий мукофоти, "Йилнинг энг фаол журналисти" танловларида фаол иштирок этилмоқда.

Эътиборли жиҳати, тадбирда фахрий журналистлар ёшларга ибрат бўлгулик тажрибалари билан ўртоқлашишди. Шундан сўнг, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни миллий ва халқаро даражада кенг жамоатчиликка етказишда муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаол журналистлар ҳамда соҳа фидойилари бўлган фахрийлар меҳнати эътироф этилиб, уларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Умрим давомида машаққатли даврларнинг гувоҳи бўлганман, — деди 94 ёшли фахрий журналист Фарида Усмонова. — Биз ишлаган пайтларда сўз эркинлиги, ҳозиргидек имконият ва шароитларни орзу қилардик. Шу боис соҳанинг бугунги вакилларига, ёшларга ҳавас қиламан. Уларга маслаҳатим шуки, бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, астойдил меҳнат қилиш керак. Кўп ўқиш, тинимсиз изланиш, юракдан чиқариб ёзиш лозим. Шунда қаламингиз ўткир бўлади, ёзганларингиз одамлар қалбига етиб боради.

Тадбир доирасида "Ishonch" ва "Ishonch-Доверие" газеталари таҳририяти қошида ташкил этилган "Маҳорат мактаби" тингловчиларига сертификатлар топшириш маросими ҳам ўтказилди.

Таъкидлаганидек, мамлакатимизда журналист кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мазкур «Маҳорат мактаби»ни ташкил этишдан мақсад ҳам назариянинг амалиёт билан уйғунлашувига кўмаклашиш, талабаларни қўллаб-қувватлаш, маҳорат ва малакасини ошириш, таҳририятга ёш кадрларни жалб этишдан иборатдир. Жорий йил март – май ойларида Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон жаҳон тиллари университети журналистика факултетларининг 8 нафар талабаси ушбу машғулотларда фаол қатнашиб, газета саҳифаларида материаллари билан иштирок этди.

Тадбир сўнгида "Маҳорат мактаби" тингловчиларига сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

— Фурсатдан фойдаланиб, биз талабаларнинг амалиётни чуқур ўрганишимизда ўз кўмагини аямаётган "Ishonch" ва "Ishonch-Доверие" газеталари таҳририятига миннатдорлик билдирамиз, — деди ЎзМУ журналистика факултети талабаси Сулаймон Ҳайдаров. — Уч ой давомида таҳририят фаолиятидан келиб чиққан ҳолда журналистика сир-асрорини янада чуқур ўргандик. Бу келгусидаги фаолиятимизда асқотиши шубҳасиз. Устоз журналистларнинг бугунги ибратли фикрлари ҳам биз учун тажриба мактаби бўлди.

Акмал ТОШЕВ,
"Ishonch" мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ўшанда мустақиллик ҳали ширин орзу бўлса-да, истиқлол шабадаси эса бошлаган, мустақил фикрлаш, эркин сўз айтишга журъат пайдо бўлаётган дамлар эди. Худди ана шу пайтда эзгулик даракчиси, жамият баҳорининг қалдирғочи мисол Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри "Ishonch" газетасининг илк сони хонадонларга кириб борди. Нашрнинг бош муҳаррири Тўлқин Қозоқбоев эди. У газетамизга тўрт йил раҳбарлик қилди.

ЭЗГУЛИККА ТУТАШ УМР

Нишона сонини қайта-қайта кўздан кечираман. Чоп этилган материаллар ранг-баранг эди. Нуриддин Муҳиддинов, Абдуқодир Эргашев, Неъмат Аминов, Хуршид Даврон, Ўткир Ҳошимов, Султон Акбарий, Нурислом Тўхлиев, Темур Убайдулло, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Анвар Эшонов, Барот Бойқобилов каби эл назарида бўлган муаллифларнинг мақола, суҳбат, ҳикоя ва шеърлари чоп этилган эди унда.

— Узоқ давом этган муҳокамадан сўнг газетамиз ишончли нашр бўлсин, деган ният билан унга "Ishonch" номи берилганди, — дейди Тўлқин Қозоқбоев. — Газета ҳафтанома шаклида 16 саҳифада, А-3 ҳажмда, 1991 йил 21 март санаси билан чоп этилди. Адади ойма-ой ошиб борди. 1992 йил нашр адади 133 минг 516 нусха эди. Март ойида кўрсаткич 139 250 тага етди. Бунинг асосий сабаби газетамизнинг шаклшамойили сондан-сонга яхшиланиб, сифати ҳам, мақолалар мазмуни ҳам ўзгариб, яхшиланиб борганида деб биламан.

Газета муштарийлар фикри билан тирик ва ҳаётбахшдир. Шуни ҳисобга олиб, жамоатчи муаллифлар сафини кенгайтиришга эътибор қаратилди. Муҳими, таҳририятда иноқлик, ўзаро ҳурмат ўрнига қўйилди. Ижодкорлар бир оила фарзандларидек якдилликда иш олиб боришди.

Жамоадаги ижодий муҳит ҳақида таниқли журналист ва шоир Шавкат Туроб шундай ҳикоя қилади:

— Тўлқин Қозоқбоев тиниб-тинчиш нималигини билмайдиган, газета манфаатини шахсий манфаатидан юқори қўя оладиган беназир инсон бўлиб, "Ishonch" газетасига тамал тоши қўйилаётганда бизларни идорама-идора юриб, бирма-бир кўнглимизга йўл топиб, эзгу ният атрофида бирлаштирганди. Масалан, Темур Убайдуллони "Ўзбекистон овози"дан, Сайёр ва Тўлқин акаларни "Камалак" нашриётидан, Акмал Акромовни "Тошкент оқшоми"дан... Ўша кунлар ҳайрати, сурати, сийрати, қувончу ташвишлари хусусида фикр юритиш мен учун ғоятда завкли. Бўлажак газета шаклу шамойилидан тортиб, суратлар тагига ёзиладиган тагсўзгача қизғин муҳокама, тортишув ва баҳслардан кейин дунёга келарди...

Газета саҳифаларидан ўрин олган маданий ва тарихий меросимиз, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, адабиёт ва санъат, спорт, энг асосийси, касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги эзгу ишлар акс этган мақолалар, ҳуқуқшунос ҳамда мутахассис маслаҳатлари кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Бундай мақолалардан сўнг хатлар ёғиларди.

Билим олишга чанқоқлик ва интилувчанлик Тўлқин Қозоқбоевнинг қонқонига сингиб кетган. У Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)да, сўнгра Тошкент қишлоқ хўжалиги институти (ҳозирги Аграр университети)да таҳсил олган ва энг муҳими, билимини оширишдан сира эринмаган. Хуллас, журналист, агроном ҳамда сиёсатшунос каби мутахассисликлар бир одамда мужассам.

У меҳнат фаолиятини 1958 йили тахта тилиш заводида оддий ишчиликдан бошлаб, бир нечта ташкилот ва корхоналарда ишлади. 1972 йили "Гулхан" журналига, кейинчалик "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент", "Ishonch" ва "Ishonch-Доверие", "Нуроний" каби қатор газета ва журналларда бош муҳаррир, "Банк ахборотномаси" ва "Банковский вестник" газетасида бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари бўлган. Меҳнат фаолияти давомида кўплаб масъул лавозимларда ишлаган.

Ҳар гал таҳририятимизга кириб келаркан, устоз ёшларга шундай насиҳат қилади:

— Журналист меҳнати қанчалик машаққатли ва оғир бўлмасин, шунчалик севимли ва азиздир. Халқнинг кўнглидаги сўзни айтмоқ, қалбига йўл топмоқ эса ўта масъулиятли. Ҳар бир журналистнинг ўз сўзи, ўз фикри бўлиши керак. Ва албатта, ҳар бир газетанинг ўз қиёфаси бўлиши даркор..

— "Ishonch" газетасига тамал тошини қўйган Тўлқин Қозоқбоев билан "Ёш ленинчи" (ҳозирги "Туркистон") газетасида бир йилга яқин ишлаганмиз. Ўшандаёқ у кишининг раҳбарлик салоҳиятига қойил қолганман, — дейди газетамиз бош муҳаррир ўринбосари Зайниддин Рихсиев. — Бу инсонга хос ташаббускорлик ва ташкилотчилик, соддалик ва самимият, ишга масъулият ва қатъиятлилик ёш журналистлар учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

Устоз 2000 йилдан бошлаб Ўзбекистон давлат санъат институтида катта ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўнлаб қўлланмалар муаллифи. Бугунгача 30 дан ортиқ драматик асар, ўнлаб ҳикоя, қатралар ҳамда мингга яқин ибратлар ёзди. Уларнинг кўпи газета ва журналларда нашр этилди, радио ва телевидениеда инсценировка қилинди, театрларда саҳналаштирилди. У Ўзбекистон Журналистлар ва Ёзувчилар уюшмалари, театр ижодкорлари жамияти ҳамда Адабиёт жамғармаси аъзосидир.

Газетамизнинг маслаҳатгўйи ва фахрийси бўлган устозни касб байрами билан қутлар эканмиз, қаламингиздан ҳамиша нур томиб турсин, деймиз.

Амина ҚОДИРОВА,
"Ishonch" мухбири

Сирдарёда журналист Холида Пардабоевани билмаган одам йўқ, десак, лоф бўлмайди. Жиккаккина гавдаси, енгил қадами билан у вилоятни неча бор айланиб чиққан. Қарийб қирқ йилдан буён фаолият юритиб келаётган "Сирдарё ҳақиқати" таҳририятисиз ҳаётини тасаввур қила олмайди. Опа ҳафтасига икки-уч кун олис ҳудудларга бориб, қишлоқ одамлари ҳаётидан лавҳалар, меҳнаткаш инсонлар, бахтли уй бекалари, фаол аёллар ҳақида мақолалар ёзиб келади.

БИЗНИНГ ХОЛИДА ОПА

— Айниқса, у тайёрлайдиган "Бегойим" рукни остида бериладиган мақолалар менга жуда ёқади, — дейди вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар масалалари бўйича котибият мудири Наргиза Тожибоева. — Унда вилоятимизда яшаб, меҳнат қилаётган фидойи аёллар фаолияти кенг ёритилади. Баъзан Холида опа аёлларимизнинг биз билмаган қирраларини очиб берадики, унинг журналистик маҳоратига қойил қолмай илож йўқ.

Х.Пардабоева қатор журналистик танловларнинг ғолиби. Республикада ўтказилган "Йилнинг энг фаол аёли" танлови ғолиби, "Атиргул" танловида "Энг яхши журналист аёл" номинацияси, вилоятда ўтказиладиган "Сирдарё зарқалами" танловида биринчи ўрин соҳиби бўлган. "Энг улуғ, энг азиз" танловида ҳам фахрли ўринларни эгаллаган. Фидокорона меҳнатлари учун 2002 йилда "Шуҳрат" медали билан мукофотланган.

Қачон қараманг, опанинг компютерда ёзиб ўтиргани ёки маслаҳат сўраб келган ёш ижодкорлар билан суҳбатлашаётгани устидан чиқасиз. Хонасига кириб келган ҳар бир инсонни юз йиллик қадрдонлардек хушмуомала билан кутиб олади. Бу тиниб-тинчимас аёлнинг озода ва шинам иш хонасида ўзингизни эркин ҳис қиласиз.

Хона бурчагида турган шкафда Холида опа фаолияти даврида олган совриндлару фахрий ёрлиқлар батартиб териб қўйилган, бадиий адабиётлар, ижодкорлар совғалари кўзингизни қамаштиради.

— Тошкент давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика факултетини битиргандан кейин тўғри вилоят газетаси таҳририятига келдим. Тажрибали журналистлар ўз йўлимни топиб кетишимга ёрдам беришди. Ўша вақтда Ҳаётхон Ортиқбоева, Баҳор Холбековалар билан бирга ишлаганмиз. Улардан ҳам кўп нарса ўрганганман. Уч қиз бир-биримиздан қолишмасдан ишлашга ҳаракат қилар эдик.

— Холида вилоятда фаолият юритаётган журналист аёлларидан энг фаоли, — дейди Баҳор опа Холбекова. — Куйди-пишди, одамларсиз бир зум яшолмайди. Газетада мақоласи чиқмаган кун йўқ. Ҳатто, таътил даври учун олдиндан мақолалар ёзиб қўяди. У ана шундай фидойи аёл.

— Уйда иш қилаётган пайтимда ҳам бирор мақолани миямда пишитиб оламан, — дея кулади Холида опа. — Ижоддан тўхтаган журналист кўп нарса йўқотади. Шу боис замон билан ҳамнафас юришга ҳаракат қиламан. Долзарб мавзуларда мақолалар ёзишни бурчим деб биламан.

Холида опанинг сермазмун ҳаётида икки фарзандининг алоҳида ўрни бор. Тўнғичи Манзура Гулистон давлат университетининг иқтисодиёт факултетини имтиёзли тамомлаб, Ташқи иқтисодий фаолият "Миллий банк"нинг вилоят филиалида бош мутахассис лавозимида ишлайди.

Ўғли Умиджон нафақат онасининг, балки вилоятнинг фахри. У вилоят хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатини аъло баҳоларга тамомлаб, Ҳиндистондаги Буюк Британияга қарашли халқаро Махендра коллежига ўқишга кирди. Коллеж имтиҳонлари натижасига кўра халқаро грант соҳиби бўлди ва Канададаги нуфузли халқаро Альберто университетининг талабасига айланди. Айни пайтда Умиджон магистратурада "архитектура ва дизайн" йўналиши бўйича ўқишини давом эттиряпти.

Холида опа уч йилдирки "Сирдарё ҳақиқати" ва "Сирдарьинская правда" газеталари таҳририятининг касаба уюшма ташкилоти етакчиси сифатида ишлаб келмоқда. Фидойи аёл таҳририятда меҳнат қилаётган 30 нафар аъзонинг иссиқ-совуғидан доимо хабардор. Ижтимоий ҳимоясига масъул. Жамоанинг бошини бириктириб, хайрли ишларга етаклайди.

— Жамоамиз аъзолари журналистлар бўлиб, ҳар бири мустақил фикрига эга, қонунлардан яхши хабардор. Шу боис ҳам касаба уюшма қўмитаси фаолиятини ойнадек шаффоф олиб боришга ҳаракат қиламиз, — дейди жонкуяр етакчи. — Ҳар ҳафтада ўтадиган йиғилишимиз "Маънавият соати"га уланиб кетади. Ўзимизни ҳам бошқа ташкилот ва муассасалар тез-тез шундай тадбирларга таклиф қилиб туришади. Байрамлар арафасида спорт мусобақалари ўтказилади.

Холида опа бу йил муборак 60 ёшини қаршилади. Устоз журналистга эзгу ишлардан чарчамай, доимо ғайрат-шижоатга тўлиб юришини тилаб қоламиз.

Зебо ҲАЙДАРОВА

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ

Газета-журналларнинг сифатли чоп этилишини таъминлашда матбаачиларнинг хизмати катта. Заҳматкаш, фидойи касб эгаларининг фаолиятини газетамиз саҳифаларида ёритиш мақсадида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида бўлганимизда қизғин иш жараёни устидан чиқдик.

Бизни "Шарқ" НМАК касаба уюшма қўмитаси раиси Ғуломжон Ҳакимжонов, газеталарни чоп этиш цехи бош усталари Равшан Жўрабоев ва Мансур Абдуназаров кутиб олиб, гувиллаб ишлаётган машина томон бошлашди. У ерда янги босмадан чиққан газетани синчиклаб текшираётган киши эътиборимизни тортди.

— Иброҳим Эргашев илғор газета чоп этувчиларимиздан, — дея уни таништирди Ғуломжон ака. — Бу фидойи инсоннинг нашриётимизга жуда кўп меҳнати сингган.

— Салкам қирқ йилдан буён шу ерда фаолият юритаман, — деди Иброҳим ака. — Аввалари қолиплар қўрғошиндан тайёрланарди. Иш жараёни жуда оғир эди. Ҳозирда нашр маҳсулотлари замонавий техникаларда чоп этилиб, ишимиз анча енгиллашди. Шогирдларим жуда кўп. Улар турли нашриётларда ишлашади. Байрамларда совға-салом билан келиб, ҳол сўраб кетишади. Бундан беҳад суюнаман.

Камтарона меҳнатларим юксак баҳоланиб, 1997 йили "Шуҳрат" медали билан тақдирландим, қатор фахрий ёрлиқларга сазовор бўлдим. Бу мени руҳлантириб, янада кучимга куч қўшади.

— Иброҳим ака биринчи устозим бўлади, — дея суҳбатга қўшилади Мансур Абдуназаров. — 1997 йили Усмон Носир номидаги Тошкент матбаа техникуми(ҳозирги Тошкент матбаа ноширлик касб-ҳунар коллежи)ни тамомлаб, газеталар чоп этиш цехида иш бошлаганимда касбимизнинг нозик сир-асрорини эринмай ўргатди. Соҳага қизиқишимни сезиб, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг матбаачилик йўналишида таҳсил олишга ундади. Шу сабаб, мазкур институтнинг рақамли ва махсус босма йўналиши бўйича магистратурасини ҳам тамомладим. Ҳозирда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўзим ўқиган институтда талабаларга дарс бериб келаяпман. 2003 йили ишхонам томонидан уй билан таъминландим. Нимагаки эришган бўлсам, бари устозимнинг ўгитлари самарасидир.

— Ишчи-ходимларимиз учун барча шароит муҳайё қилинган. Фарзандларига тўй қилганда фоизсиз ссудалар берилади. Иш кийимлари билан доимий таъминланиб, мунтазам иссиқ овқат ташкил этилган. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан уларнинг отаоналари ҳам "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига қарашли "Навбаҳор" санаторий-профилакторийсида имтиёзли нархларда соғломлаштирилаётир, — дейди Ғуломжон Ҳакимжонов. — Фарзандлари эса Бўстонлиқ туманида жойлашган "Фазогир Гагарин" номли болалар соғломлаштириш оромгоҳида ёзги мавсумда мазза қилиб ҳордиқ чиқаришади. Ҳозир биринчи навбатда 200 нафар бола дам олдирилаётир. Умуман, яратилган шароитлардан барча мамнун.

Цехда машиналар тинимсиз гувиллайди. Буёқ ҳиди анқийди. Ишчиларнинг қўлиқўлига тегмайди. Бири тандирдан чиққан нондек иссиқ газетанинг сифатини текширса, бошқаси тахлам қилади. Хуллас, барчанинг фикри-хаёли газеталарни сифатли чоп этиш ва фурсат ўтказмай муштарийларга тортиқ қилишга қаратилган.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
"Ishonch" мухбири.
Муаллиф олган суратлар

2015-yil 27-iyun, shanba, № 78 (3583), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЁЗ – 2015

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ТАЪТИЛ

Нукус мелиорация ва сув хўжалиги қошида ташкил этилган "Келажак" кундузги соғломлаштириш оромгоҳида болаларнинг мароқли дам олиши учун барча шароит муҳайё.

Оромгоҳда тасвирий ва амалий санъат, тўқимачилик, рақс, инглиз тили, шахмат-шашка, стол тенниси, волейбол, баскетбол тўгараклари ташкил этилган. Ёш авлоднинг ижодий ва жисмоний маҳоратини ошириш мақсадида "Табиат болалар нигоҳида", "Эртаклар дунёсига саёҳат" мавзуларида кўрик-танловлар, "Биз — соғлом авлодмиз" шиори остида спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Дам олувчиларнинг саломатлиги доимий назоратда.

ЎзА фотомухбири Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар

КЎНГИЛЛИ ҲОРДИҚ

Теварак-атрофи ям-яшил арчазор билан қопланган Моргузар тизма тоғлари оралиғидаги бу сўлим маскан ҳар йили ёзги таътилда болажонларнинг шўх ўйин-кулгилари билан янада тароватли бўлди.

Эрта тонгдан навбатдаги сайрга отланган ўқувчилар йирик харсангтош, қалин шох-шабба ва бутазорлардан иборат тепалик олдида тўхташди. Тепалик остида охири кўринмайдиган ички йўллар, неча-неча асрлар илгари вулқон, табиий офатлар ва оҳактошларнинг емирилишидан ҳосил бўлган ғор жойлашган эди. Педагог — тарбиячи Шоҳсанам Файзуллаева болаларга бу ернинг тарихи, табиий хусусияти, жониворлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Ғаллаорол туманидаги 24-умумтаълим мактаби қошида жойлашган "Қуёшча" оромгоҳидаги дам олувчилар қалбида ҳар бир ўтган кун ўзига хос из қолдирмоқда.

— "Қуёшча"да болажонларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит етарли, — дейди оромгоҳ раҳбари, олий тоифали педагог Асадулла Абдушукуров. — Сўлим гўшада 70 нафар ўғил-қизимиз кўнгилли ҳордиқ чиқариши, саломатликларини мустаҳкамлаш учун белгиланган режа асосида иш олиб бориляпти.

Оромгоҳ остонасига қадам қўйишингиз билан "Бугун дам олиш масканида" деган ёзувга, иш режаси ҳамда болажонларнинг ҳаётини акс эттирувчи фотостендга кўзингиз тушади. Одатдагидек эрталабки машқлардан сўнг уларни мазали нонушта, "Ўрдак-ғоз", "Овозидан таниб ол", "Бекинмачоқ" каби ўйинлар, ундан кейин эса "Чаққонлар, зукколар ва эпчиллар" спорт мусобақалари, "Менинг ўлкам", "Баланд қоя ва тоғлар ", "Қанотли ҳимоячиларимиз" каби мавзулардаги кўрик-танловлар кутади.

Тажрибали тарбиячилар Яхшигул Азимова, Шоҳсанам Файзуллаева, спорт йўриқчиси Сарвиноз Абдуғаниева кабилар болажонларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун бор билимини ишга солишмоқда.

Шунингдек, тумандаги 29-умумтаълим мактаби қошидаги Шавкат Нурбоев бошлиқ "Ниҳол" оромгоҳида ҳам болажонларнинг кўнгилли дам олиши учун пухта таёргарлик кўрилганлиги шундоққина кўзга ташланади. Мутасадди ташкилотларнинг саъй-ҳаракати туфайли оромгоҳлар ётоқхона мебеллари, ошхона ва спорт жиҳозлари, дори-дармон, санитария ва гигиена воситалари билан тўла-тўкис таъминланган. Кўчма кутубхоналар болаларбоп бадиий асар ва услубий қўлланмаларга бой.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

БАРКАМОЛ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Юртимизда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун яратиб берилаётган шароитларни кўриб кўз қувнайди. Бундай қулайликлар, табиийки, ёшларимизга кенг имконият яратади.

ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

Коллежимиз ўқувчилари қўлга киритаётган ютуқлардан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Жисмоний тарбия ўқитувчилари истеъдод эгаларига алоҳида эътибор бермоқда. Хусан Тешабоев, Баҳодир Эшқувватов, Ғиёс Мамасоатов каби мураббийларнинг шогирдлари эришаётган муваффқиятлардан фахрлансак арзийди. Моҳира Раҳимованинг қўлга киритган ютуқларидан барчамиз шодмиз. У таэквондо WTF билан шуғулланади. Моҳира 2014 йилда Туркияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 90 дан ортиқ давлатдан иштирок етган ёш спортчилар орасида 1-ўринни эгаллади. Яна бир ўқувчимиз Яйра Эгамбердиева эса фудокан каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Муай-тай устаси Аббос Раҳматуллаев ҳам шу масканда таҳсил олмоқда. У 2014 йилда Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада, шунингдек, Италияда ташкил этилган жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритди.

Коллежимиз салоҳиятли спортчилар таълим олаётган доврўқли масканлардан бирига айланиб бормоқда.

Абдумутал АРАБОВ,
Жарқўрғон спорт коллежи директори

КАСАБА УЮШМА СПОРТИ

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВ

Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида мини футбол бўйича кўчма кубок учун ташкил этилган Тошкент шаҳар алоқа корхоналари ўртасида ўтиш турнири якунланди.

Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида тизимдаги турли ташкилот ва корхоналар вакилларидан иборат 15 жамоа баҳсга киришди. Якунда, мусобақада биринчи бор иштирок этган "Электрон ҳукумат" маркази жамоаси финалда МАТБ вакилларини пенолтилар сериясида мағлубиятга учратиб, ўтиш турнири ғолибига айланди. Учинчи ўрин "Мониторинг маркази" жамоасига насиб этди.

Тақдирлаш маросимида Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси А.Эшонхўжаев, ТАТУ ректори Ҳ.Муҳитдинов ва бошқалар турнир иштирокчиларига ажойиб спорт байрами учун самимий миннатдорлик изҳор этишди. Ғолиб ва совриндорларга медаллар, кубок ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Реклама ва эълонлар

2015 йил 27 июл кунлари соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар Маркази биносида очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. "Сурхондарё вилоят руҳий-асаб касалликлар шифохонаси" балансига тегишли бўлган 1979-йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/154 JAA "ГАЗ53А" русумли техник носоз ҳолатдаги автотранспортнинг бошланғич баҳоси — 1 647 000 сўм.

2. Сурхондарё вилоят Жарқўрғон тумани 1-сонли Давлат нотариал идорасининг 14.05.2015 йилдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар, ва тошлардан ясалган занжир, узук, зирак, соат, браслет ва бошқалар) "Қулай кредит" МЧЖ томонидан аукцион савдоларига қуйилмоқда:

1. 3379-сонли ижро хатига асосан (3 дона буюм). Бошланғич баҳоси — 456 300 сўм. 2. 3370-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм). Бошланғич баҳоси — 1 932 450 сўм. 3. 3367-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм). Бошланғич баҳоси — 1 735 500 сўм. 4. 3371-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм). Бошланғич баҳоси — 1 352 650 сўм. 5. 3373-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм). Бошланғич баҳоси — 660 400 сўм. 6. 3375-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм). Бошланғич баҳоси — 322 400 сўм. 7. 3376-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) Бошланғич баҳоси — 158 600 сўм. 8. 3368-сонли ижро хатига асосан (3 дона буюм). Бошланғич баҳоси — 585 000 сўм. 9. 3374-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм). Бошланғич баҳоси — 195 000 сўм. 10. 3366-сонли ижро хатига асосан (3 дона буюм). Бошланғич баҳоси — 1 220 050 сўм. 11. 3378-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм). Бошланғич баҳоси — 1 145 950 сўм. 12. 3372-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм). Бошланғич баҳоси — 585 000 сўм. 13. 3377-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм)., Бошланғич баҳоси — 494 000 сўм.

Юқоридаги мулк 2015 йил 27 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2015 йил 11-14-17- август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини «SURXON GRAND BROKER» масъуляти чекланган жамиятининг ХАББ "Траст банк" Термиз филиали МФО: 01063, ИНН 302072717, 20208000704929091001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси 2-қават, 1-хона. Телефон: +99876 223 25 55.

Хизматлар лицензияланган.

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 1 майдаги 66 к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 12 июнда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи.

1. Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 37-уй манзилида жойлашган, бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 253 кв.м. бўлган, омборхона бино-иншоотлари, бошланғич баҳоси — 351 187 069 сўм, сотилиш баҳоси — 442 000 000 сўм.

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 18 майдаги 74 к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 22 июнда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи.

1. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 57в-уй манзилида жойлашган, бино ва иншоотларнинг эгаллаган майдони — 85 кв.м. бўлган, омборхона биноси, бошланғич баҳоси — 128 404 353 сўм, сотилиш баҳоси– 152 000 000 сўм.

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 18 майдаги 74 к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 22 июнда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи.

1. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчасида жойлашган, бино ва иншоотларнинг эгаллаган майдони — 2438 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган маъмурий бино-иншоотлари, бошланғич баҳоси — 5 546 214 200 сўм, сотилиш баҳоси — 5 730 000 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

"FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдоларга «Қўқоншаҳаршаробсавдо» база унитар корхонасига тегишли, Қўқон шаҳар, Бирлик кўчаси, 6-уйда сақланаётган қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "ISUZU SAZ NQR" русумли, 2011 йилда и/ч, д/р-40 081 MAA.Бошланғич баҳоси- 39 200 000 сўм.

2. "COBALT GS18" русумли, 2014 йилда и/ч, д/р-40 709 RAA.Бошланғич баҳоси- 34 475 000 сўм.

Савдолар 2015 йил 28 июл куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача (13:00 дан, 14:00 гача тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охирги муддати: 24 июл соат 17:00.

Талабгорлар диққатига! Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари 2015 йил 28 июл куни савдода сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2015 йил 5 август куни соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдога аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 4 август соат, 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг «Халқ банки»нинг Фарғона вилоят филиали амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим:

МФО: 00497, СТИР: 303054753, ҳ/р: 2020 8000 1003 9634 2001. Манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй, 37-хона. Тел: +99895-402-54-75. Гувоҳнома № 1894.

Хизматлар лицензияланган.

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарори ҳамда НКМК ДК "Зарафшон қурилиш бошқармаси"нинг 2015 йил 27 февралдаги 20-02/924-сонли буюртманомасига асосан мазкур корхонада сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. 1986 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 922 DAA бўлган ЗИЛ-130 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 4 123 803 сўм.**

2. 1994 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 885 DAA бўлган МАЗ-5551 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 5 840 561 сўм.**

3. 1995 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 534 DAA бўлган ПАЗ-3205 русумли автотранспорт. Бошланғич баҳоси —3 227 063 сўм.

4. 1993 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 583 DAA бўлган ТАД-3205 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 464 352 сўм.**

5. 1990 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 587 DAA бўлган ТАД-3205 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 415 866 сўм.**

6. 1986 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 924 DAA бўлган ЗИЛ-431410 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 4 351 441 сўм.**

7. 1982 йилда и.ч. техник носоз бўлган ДЗ-27 русумли булдозер. **Бошланғич баҳоси — 5 788 410 сўм.**

8. 1985 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 719 HAA бўлган МАЗ-5334 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 8 061 154 сўм.**

9. 1988 йилда и.ч. техник носоз бўлган ДЗ-171 русумли булдозер. **Бошланғич баҳоси — 5 823 510 сўм.**

10. 1990 йилда и.ч. техник носоз бўлган ЭО-4124 русумли экскаватор. **Бошланғич баҳоси — 7 275 072 сўм.**

11. 1990 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 66-76 ЧЗ бўлган Д-579 русумли булдозер. **Бошланғич баҳоси — 3 505 700 сўм.**

Савдо 2015 йил 13 июл куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 10 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2015 йил 13 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2015 йил 17-, 24 июл кунлари соат 10:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2015 йил 15, 22 июл кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Кўрсатилаётган хизматлар учун қўшимча равишда энг кам иш ҳақининг бир боравари миқдорида ҳақ олинади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ "Ипотека банк" Навоий филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт. 20208000704943164001, МФО 00205, СТИР: 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Тел: 0 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605.

Хизматлар лицензияланган.

Савол беринг, жавоб берамиз

— Бундан икки йил аввал куёвим бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган. Шу сабабли қизим икки нафар боласига боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиб келади. Агар қизим бошқа инсон билан турмуш қурса, нафақани тўлаш тўхтатиладими?

Пўлат Содиқов,
Бекобод тумани

НАФАҚА ТЎЛАШ ТЎХТАТИЛМАЙДИ

— Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота-онадан бири ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунига қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса, улар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланади ва боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлади. "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 23-моддасига асосан эр ёки хотиннинг вафот этгани сабабли тайинланган нафақа уни олаётган шахс янги никоҳдан ўтганида ҳам сақланиб қолиниши белгиланган.

Сайёра ИНОҒОМОВА,
Юнусобод туманидаги 1-сонли ДНИ катта нотариуси

— Боланинг оиладаги ҳуқуқлари қонунчилигимизда қандай белгиланган? Бунда ота-онанинг масъулияти ҳақида қандай талаблар акс этган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Муқаддас Орзиева,
Яшнобод тумани

ОТА-ОНА ФАРЗАНД УЧУН ДОИМО МАСЪУЛ

— "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддаси 1- ва 2-қисмларига кўра, ҳар бир бола ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Унинг манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасида кўрсатилганидек, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларини таъминлаш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ҳолларда суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганида ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли экани белгиланган.

Шукурулло АКБАРОВ,
Шаҳло ХЎЖАЕВА,
Яшнобод тумани ДНИ нотариуслари

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:00**
Topshirildi — **21:30**
1 2 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 615.
18921 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133